

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 58-ҳадис

58 - وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «إِذَا قَامَ أَحَدُكُمْ مِنْ مَجْلِسٍ ثُمَّ رَجَعَ إِلَيْهِ فَهُوَ أَحَقُّ بِهِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Қачон сизлардан бирортангиз ўрнидан туриб, кейин яна жойига қайтиб келса, у ўша жойга ўзи ҳақлидир», дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.

Шарҳ: Ислom -мусулмонлар орасида жанжал ва тортишувни келтириб чиқариши мумкин бўлган барча ишларда нозиклик билан иш тутишга буюради. Мусулмонлар ўртасида тафриқа солиб, алоқаларни узишга олиб борадиган нарсаларни эса ман этади. Киши ўтирган ўрнидан бирон сабаб ила туриб кетиб, қайтиб келса, ўша жойга ўтириш учун энг ҳақли инсон у бўлади. Ушбу суннатга оид ечим эса юзага келиши мумкин бўлган тушунмовчилик ёки баҳсни олдини олади.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Ислom - ҳаётимизнинг барча жабҳасини тартибга соладиган таълимотдир.
2. Агар киши мажлисдан бирон сабаб билан туриб кетса, бошқа инсон унинг ўрнига ўтиришга шошмаслик кераклиги.
3. Туриб кетган одамнинг ўрнига вақтинча ўтириб турса бўлади. Агар жой эгаси қайтиб келса, бўшатиб бериш лозим бўлади. Чунки аввалги эгаси ўша жойга ҳақлироқдир.
4. Бу нарсa кўпроқ мактабларда рўй беради. Бирор ўқувчи дарсга келмаса, синфдош ўртоқларидан бири унинг жойига ўтириб олади. У келгач, бўшатгиси келмайди ва ўртада низо-жанжал келиб чиқади, кўпинча. Бу иш динимизда айнан хатодир.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI